

536



Kuch – bilim va tafakkurda



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 2-avgust, chorshanba № 61 (9022)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Фармойиши

## НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексалар, пенисионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдами ташкил этиш тизими яратилди. Ахолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий химоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бириси сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Тумса ва наслий касалликларни барак аниглаша ва уларнинг оддини олиш бўйича кўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти. Чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш тутма нуқсонларни ўз вақтида аниглашни ву ногиронликнинг кейинчалик олдини олишни тъминлаштириш.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун кулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда

боловар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гурухини аниглаш чамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан тъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-мехнат эксперт комиссиялари фаолиятидаги бюрократия тартиб-таомиллар бартараф этилмаган.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни хисобга олишнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги, замонавий аҳборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганилиги ногиронларни ижтимоий аҳволни мониторинг қилиш ва улрага ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкоғини бермаяпти.

Ногиронликнинг аниглаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда кўлланилаётган мезонлар 40 йил аввалги услубиётга асосланган,

мазкур соҳада чукур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтироқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришининг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўтча 2 foизи ташкил қиласди, бу эса масъул идораларнинг ишбу соҳадаги иши қониқарсизлизигидан далолат беради.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаштиришда олиш ва ишга жойлаштиришда уларга ҳар томонлама кўмаклашши мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим ва асосий омилларни меҳнат муносаб алкоголь маҳсулотларининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги

фаолияти қониқарсиз деб топилсин.


2. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қараштирган таклифларни тайёрлаб бўйича комиссия иловага мувофик таркибида ташкил этилсин.

3. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тъминлаш соҳасидаги қонунилиларни ундағи бўшилқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниглаш нуқтаси назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлаштириш хукуклари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тъминлаш соҳасидаги ваколати органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

(Давоми 2-бетда.)



Qutlug' ostona

## БИЛИМ, ИҚТИДОР ВА САЛОҲИЯТ СИНОВИ

ЮРТИМИЗДАГИ ЮЗЛАБ ЁШЛАР УЧУН МУҲИМ ҲАЁТИЙ БОСҚИЧ БЎЛДИ

Замонавий билим ва ихтиосликларни пухта эгаллаган рақобатбардош мутахассисларнинг етишиб чиқиши олий таълим муассасаларида тест синовининг нечоғлилар шаффоф ва холос ўтишига, адолат ва ҳалоллик мезонларига риоя қилиншига боғлиқ. Шу мақсадда бу йил юртимиздаги кўплаб олий таълим муассасаларида қизғин тайёргарлик кўрилгани 1 август куни ўтган тест синовида яқъол намоён бўлди.

Жумладан, Тошкент давлат юридик университетида тест синовини юқори савиядада ташкил этишига алоҳида тараддуд кўрилди. Ҳусусан, Президентимизнинг шу йил 28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур олий таълим муассасаси фаолиятини янги босқичга кўтарди.

(Давоми 3-бетда.)

Газетани варақлагандаги:

Синфхоналарни ҳар йили  
таъмирлаш шартми?

5-бет

Таржима –  
маданиятлар кислороди



8-9-бетлар

Мутолаа  
тарбияси

11-бет

Нодирбек Абдусатторов  
жаҳон терма жамоасида!



15-бет




2017-yil 2-avgust, № 61 (9022)

## РОБОТ ЎТИРИШНИ БИЛАДИ

Россияда ишлаб чиқарилган «Федор» номли робот-андроид шпагат тарзида ўтириши ўрганиди, деба хабар беради «РИА Новости».

Келажак тадқиқотлари фонди олимларининг таъкидлашича, Федор робот-андроидлар орасидаси энг ақлиси бўлиб, у дунёдаги роботлар ичидаги оёқларни ёйиб ўтира оладиган ягона робот. Босиси, андроидлар тоифасига кирадиган бошқа механикаларбу



каби эркин ҳаракатларни бажара олмайди. Бу хали ҳаммаси эмас, «Федор» шунингдек, тепага ва пастга қараш, бошини куйига эгиб юқорига кўтариши ҳам уддайлайди. У бо ҳаракатларни юраётган вақтда ҳам амалга ошиди.

«Андроидли техника» компанияси мұхандислари томонидан яратилган робот оператор ҳаракатларни тақорлаш, видео ва

аудиотовушлар асосида ҳаракатланиш ҳамда 10 килограмгача юкни кўташиш қобилиятига эга.

2016 йилнинг октябрь ойида проваслав талабалар форуми доирасида ўтказилган кўргазмада «Федор» роботнинг шпагатта ўтира олиш қобилияти каби имкониятлари намойиш этилди.

## ШТАЛЛАРНИ БОГЛОВЧИ ТУННЕЛЬ

«SpaceX» компанияси раҳбари Илон Маск ўзининг «Twitter»даги саҳифасида Нью-Йорқдан Вашингтонга қадар туннель қазиш учун хукуматдан оғзаки рухсат олинганини маълум қилди.

— Ниҳоят Нью-Йорк, Филадельфия, Балтимор ва Вашингтон худудларини бирлаштирувчи туннель курилишига рухсат берилди, — деди Маск. — Энди Нью-Йорқдан Вашингтонгача бор-йиги 29 дакикада етиб олиш мумкин.

Иш билармоннинг сўзларига кўра, туннель шаҳар марказларий бўйлаб ўтказилади. Ҳар бир шаҳарда ўнлаб кириши-чикиш йўллари бўлади. Бироқ Маскнинг ҳали расмий розиликка эришмай туриб, бу ҳақида эълон қўлгани ижтимоий тармоққа киравчилар норозилигига сабаб бўлди.


Маълумотларга қараганда, туннель курилиши ишлари «SpaceX» компанияси шу йилнинг январь ойида бошлаган Лос-Анжелес лойиҳаси билан параллел тарзда олиб борилади. Аммо ишни бошлаш учун хукуматнинг расмий рухсати зарур.

Маск шаҳар бўйлаб автомобиль ҳаракатланишининг тезлиги ва йўллар тирбандлигидан хуноб бўлган ҳолда, туннель ўтказишига қарор қўлган.



## АҚШДА ДИАБЕТГА ЧАЛИНГАНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

«Medical Xpress» нашрида келтирилишича, АҚШда қандли диабетга чалинган ва диабет аломатлари кузатилган инсонлар сони юз миллиондан ортди. Ушбу статистик маълумот Америкадаги касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази билан ҳамкорликда тақдим этилди.



Хисоботда келтирилишича, 2015 йил ҳолатига кўра, АҚШда 30,3 миллионнинг яқин киши(мамлакат ахолисининг 9,4 фоизи)да қандли диабет кузатилган. Яна 84,1 миллион фуқародар диабет аломатлари борлиги аниланган.

Мутахассисларнинг маълум қулишича, диабет аломати сенгилган беморлар касалликка қарши ўз вақтида курашмас экан, беш йил ичидаги уларда қандли диабетнинг иккичи тuri ривожланади. Бироқ кузатувлар натижаси 7,2 миллион американлик ўзида қандли диабет борлигини биласлиги, 88 фоиз ахоли эса диабет аломатлари борлигини хаёлига ҳам келтириласлигини кўрсатди.

2015 йил ҳолатига кўра, қандли диабет мамлакатдаги ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида еттини ўрининг кўтарилиган. Касаллик, айниска, кексалар (65 ёндан катта), маҳаллий ахоли (15,1 фоиз), афроамерикаликлар (12,7 фоиз) ҳамда лотин американликларда кўп кузатилади. Осиёликлар орасида бу кўрсатич 8 фоизни ташкил этади. Диабет кўпроқ мамлакат жануби ва Аппалачија таржалади.

Диабетга оид статистик ҳисобот ҳар иккى йилда нашр этилади. Охирига нашрда 2015 йилги маълумотлар келтирилган.



## «MICROSOFT» «PAINT»НИ ЙЎҚ ҚИЛДИ

«Microsoft» корпорацияси «Paint» график мухаррини «Windows 10» операцион тизимидан ўчириб ташлади. Бу ҳақидаги хабар компания сайтида 2017 йил охирида чиқиши режалаштирилаётган «Fall Creators Update»га киритилган ўзгаришларга бағишиланган қисмида маълум қилинди.

Хабарда операцион тизимнинг янги вариантида «Outlook Express», «Reader», «Microsoft Paint» ва бошқа эскирган иловалар киритилмаслиги келтирилган. Бу эса убду бастурлар қайта ишлатилмаслигини англатади. Бироқ уларнинг ўрнини замонавий ҳамда янгиланган вариандаги дастурлар эгаллайди. Хусусан, компания ўз фойдаланувчилари «Paint» ўрнига «Paint 3D» дастурини тақдим этади. Аммо компания ходимларининг айтишича, бу одатий «Paint»нинг янги кўриниши эмас, балки у 3D-тасвирилар билан ишлашга мўлжалланган алоҳида дастур. Эслатиб ўтамиш, «Microsoft Paint» график мухарриининг ilk версияси 1985 йили чиқарилган.

## КЎПРОҚ ЯШАШ СИРИ АНИҚЛАНДИ

АҚШ ҳамда германиялик олимлар ҳамкорлигидаги текширувларда чекищдан йирок, семизликдан азият чекмайдиган ва спиртиличимликлар истеъмол қилимайдиган инсонлар бошқаларга нисбатан ўтча етти йил узоқроқ умр кўриши аниқланди. Тадқиқот натижалари «Health Affairs» журналида босилди.

Олимлар Америка аҳолиси орасидан бошқаларга нисбатан ўтча 4—5 йил кўпроқ яшайдиган 50—89 ёшли 14 мингга яқин кишининг саломатлиги борасида маълумотларни таҳлиллари асосида шундай хуносага келди.

Мутахассислар умр кўриши дарасаси ва яшаш сифатига таъсир этувчи уч асосий омил(семизлик, чекиши ва алкоголь маҳсулотлари истеъмоли)ни қайд этди. Уларнинг таъкидлашича, семизлик — организмда бошқа касалликларни келтириб чиқаришига, чекиши барбақт ўлимга, алкоголь истеъмоли эса умр кўриши даражасини пасайтириб, саломатликинг кескин ёмонлашишига олиб келади.

Аммо чекиши ва семизликдан ташқари, айнан спиртиличимликларидан йирок эрқакларда узоқ умр кўрсаткичи янада яхширок бўлар экан. Яны кузатувлар уларнинг бошқаларга нисбатан 11 йил кўпроқ яшаганини кўрсатган. Бу ҳолатда аёлларнинг умр кўриши даражаси 12 йилга ортади.

Ирода ТОШМАТОВА, Адиба МЕЙЛИЕВА тайёрлади.

## ЁНГИН — ЙЎҚОТИШ ДЕМАК

Бугун кундалик турмушимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш мушкул. Йирик саноат корхоналаридан тортиб, оддий маийши юмушларимиз ҳам электр маёнай билан боғлиқ эканни барчамиз яхши биламиш. Бироқ ундан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, меъёрида ишлатиш қоидаларига ҳар доим ҳам амал қилавермаймиз.

Баъзан кўчаларда, айрим хона-донларда чироқлар маҳсадсиз ёниб тургани, электр симлари, розеткалар очиқ ҳолда қолдирилганига гувоҳ бўламиш. Аксарият ҳолларда бундай эҳтиёtsизликлар кўсқа туашув оқибатида ёнгин содир бўлишига олиб келади. Катта ташиши ва талофатлар келтирадиган бундай ёнгинарни бартараф этиш учун эса қанча куч ва меҳнат талаб этилиши биз, ёнгин хавфисизлиги хизмати ходимларига аён.

Ёнгин хавфисизлиги қоидаларига риоя этиш ҳар бир инсон, унинг

яқинларининг бебаҳо бойлик хисобланмиш ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Шундай экан, кутилмаганда содир бўлиб, бир олам ташвиш келтириувчи балодан эҳтиёт бўлишишимиз, бунинг учун эса лоқайдик, эътиборсизлик сингари илиатлардан халос бўлишишимиз кепар. Азиз юртдошлар, ҳар кунингиз тинч ва осуда ўтиши аввало ўзингиз, оиласиз, қолаверса, жамият учун ҳам фойдали эканини унумтанг.

Максуд АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ёхжаб инспектори,  
подполковник

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Иқтисодиёт факультети «Минтақавий иқтисодиёт» кафедраси доценти Шаҳноза Файзиевага турмуш ўртоғи  
Шукурилла ШЕРНАЗАРОВнинг  
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

## Навозанда ҳофизни эслаб...

Машхур санъаткор Комилжон Отаниёзов таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланыпти. Мархум санъаткорни хотирлаб ўтказилаётган тадбирлар, хайрия концертларида ҳофизнинг ўлмас ашулашлари, ўзбек санъатига кўшган хиссаси ёдга олиниб, хотира китобларига киритиләтири. Комилжон Отаниёзовнинг чинакам мухлиси, санъати шайдоси Курбонбой ҳожи Исмоиловнинг "Жаҳонни маҳлиё айлаган навозанда" китоби булбулнафас ҳофизнинг хаёти ва ижоди ҳакида тўйлик мавъумот беради.

Жозибали, кучли овоз соҳиби Комилжон оғанинг кўлга номаъум феъли, пинҳон кирралари, ботаний дардлари бўлганини, бу дардларни унтиши, енгиз учун умрини санъатга баҳшида эттанини англайди ўкувчи. 1962 йили қишинг қаҳратон соғуғиди Комилжон Отаниёзов созандапарни қабатига олиб, Аму-Бухоро канали курувчилари учун концерт беради. Ишчилар концертдан кейин иш унумдорлиги бир неча баробар ошганини хотирлайдилар. "Устоз ҳашарчи, ишчиларга пахтали фуфайка, озиқ-овқат бериб кетдилар. Хар 10—15 кунда келиб, канал биттунча — 1965 йилнинг майигача концертидан баҳраманд бўлдик. Мен бундай олижаноб, саҳоватпеше улуу санъаткорни биринчи кўришим эди, ўша воқеаларни кўрганим сайин кишига ҳурматим ошаверди", деб эслайди бухоролик мұхандис Усмон Сайдмуродов хотирономада.

Ҳофизнинг ўзи куй басталаган ғазал ва муҳаммаслар ҳам китобга киритилгани кўпчиликка мансур бўлади.

Муҳаммад РАҲИМ,  
Давронбек РАҶАБОВ

## Муросасиз инсон ва табиат



Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, география фанлари доктори, профессор Лапас Алибековнинг "Инсон ва табиат" номли китобida жаҳонда мавжуд табиий глобал муммомлар билан бирга, республикамиздаги экологик муммомлар тадқиқ килинган.

Профессор Ўрта Осиё табиий географияси фанини ўқитища ҳамда соҳадаги тадқиқотларда тубдан янгича концепциялар зарурлиги хусусида илмий хуласаларини баён этган. Олимнинг фикрича, тадқиқотларнинг кўпчилиги умумизарий аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё табиий шароити ва табиий бойликларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари мукаммал очиб берилмаган. Муаммо ечими ни топиш учун олим Марказий Осиё ва унинг минтақаларни ўрганишда фақат табиий шароитини тадқиқ этиш билан чекланмасдан, балки шу худудда табиий бойликларни ўзлаштириш ва фойдаланишда инсон хўжалик фаoliyatining оқибатларини чукур таҳлил килиш лозим деб ҳисоблайди.

Китобда чўлланиш жараёнининг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари ҳам ўрганилган. Олим муммомнинг илмий асосланган ечими сифатида кенг миқёсда ўрмон агломерацияси дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Китобнинг энг қизиқарли ва киши дикқатини ўзига жалб килдиган қисми "Соҳибқорон ва географик мұхит" боби десак муболага бўлмайди. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур олиб борган барча жангларда фалала қозонишининг асосий сабабларидан бири унинг жанг майдонини танлашида, жойнинг табиий-географик шароитига алоҳида аҳамият бералгандига экан.

Китоб географиянинг ҳозирги замон муммомлари билан қизиқувчи мустақил тадқиқотчilar ва ёш изланувчи олимлар учун мұхим кўлланмадир.

Кўчкор ҲАҚИМОВ,  
география фанлари номзоди

Ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга қаратилган сайдаралар педагоглардан касбига чукур масъулият билан ёндашиб, таълим жараёнига янги инновацион педагогологияларни табтик этишини талаф этмоқда. Шу максадда замонавий тажрибалар ўрганилиб, турли рисола ва кўлланмаларда ўз ифодасини топаётir.



## Салмоқли маърифий қўлланма

Жумладан, педагогика фанлари доктори, профессор X. Омонов ҳамда ўқитувчи М.Хаттобовнинг "Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат" ўкув кўлланмаси бу борада ўқитувчilарга яқин кўмакчи бўлиши шубҳасид.

Рисолада иқтисодий йўналишдаги олий таълим мусассаларининг магистрлari ҳамда педагогикага қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Рисолада ўқитувчи шахсий, илмий ва касбий компонентисининг аҳамияти очиб берилади. Педагогик жараёнлардаги долзарб муммомларнинг ижобий ҳал килиниши кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратига боғлиқлиги мисолларда кўрсатиб берилган. Ўкув кўлланмада педагогик ҳодисаларнинг моҳияти ва диалектикаси, педагогик меҳнат методининг иктиимий мавқеи, касбий вазифа ва ўқитиш технологиялари ўз ифодасини топган.

Юсуф МАҲМУДОВ,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор



## Устюрт кенгликларидағи «Гулойим»

Қорақалпоғистон халқ шoirаси Гулистон Матёкубовнинг шеър, дostonлари хузурбахш кўйга ўшҳайди. Бу куй Устюртдан чекка-чекка овлу хондонларида кўноқ бўлади, мезбонларга завқ улашади. Шоирининг яқинда нашр этилган "Гулойим" опера-либреттоси ҳам гоҳ мунгли, гоҳ жонбахш оҳангларнинг давомидек гўё. Опера-либреттога Курбонбой жиров Тоҳибий ўғлидан ёзиб олинган "Кирккиз" достони хамиртуш бўлади. XVI аср охири XVII аср бошларида Туркистон заминидаги рўй берган воқеалар, Гулойим ва Арслон, уларнинг дўсту дугоналарининг мардлик, ҳалоллик, ватанпарварликлари, кулликка карши исёнлари асарда музфассал тасвирланган. Китобда қорақалпоқ ҳалқининг тантлилиги, очиқкўнгиллиги, меҳнатсеварлиги, меҳмондустлиги Оллоёр, Оқсулув, Арслон, Олтиной, Мастон кампир, Шоир, Бахши-жирор, Гулойим ва унинг қирқ кизи образлари кўмагига чизилади. Таникли рассом Сахи Жанаҳмедовнинг ранго-ранг сувратлари, қаҳрамонлар қиёфасини жилвалантирган саҳифалари ўкувчига асарни ранглар кўмагига тушуниради.

Устюрт кенгликларида белни маҳкам боғлаб ишлабётган қорақалпоқ ҳалқининг бой фольклори, маънавий меросининг бир парчасигина шубу китобдан жой олган. "Global Books" нашриётида чоп этилган опера-либретто хорих ўлкаларида ҳам чин ўкувчиларини топшишига шубҳа йўқ.

Музаффар АХМАД,  
Қорақалпоғистон халқ шoirи

## Айн — навоийшунос олим

да атоқли навоийшунос Олим Шарафиддинов ҳаёти, ижоди ҳақида сўз боради. Арабчадан ўигирганда "биринчи" маъносини билдирувчи "айн" истилоди Олим Шарафиддиновга берилган мунносиб ёзтироф.

Китобда яна таникли адабијатимиз, навоийшунос олимларниң ҳаёт саҳифаларидан сўзловчи боблар ҳам бўлиб, ўкувчига адабиёт, сўз курдати, шеър сехридан билмаганларини ошкор этиши тайин.

Норкизил КЕНГБОЕВ,  
Халқ таълими аълочиси

## Ушалган орзу

Бошқада фан фидойиларини билмадигу, аммо тилшуносларимиз ҳақида энди-энди хотирономалар ёзилаётir. Хайрли ишшарининг эътироф, умр йўйлари жилди қалин китобларга энди йигилаётir. Аюб Ғулом, Фаттоҳ Абдуллаев, Азиз Жўраев, Инъомжон Расуловнинг ибратли ҳаёти ҳақида хикоя килювчи китоблар фикримиз далили.

Тининб-тиннимас шевашунос олим Машариф Сафаров шу йили нашр этилган "Бугуннинг орзусида ўтган умр" тобикини йирик тилшунос Акбар Ахмадовга бағишилади. Тўрт қисмга ахратилган хотира китобидан Акбар Ахмадовнинг ҳаёт саҳифаларида мухим воқеалар, ҳамкасб-

лар, дўстлар ёди ҳамда фарзандларининг оталари ҳақида ширин хотиралари жой олган. Олим асарларининг кисқача библиографияси, шажара ва биографиясига оид маълумотлар ҳам тадрижий ёритилган. Китобда олимнинг шоғирдларга, илмий йўлуни танлаган ёш тилшуносларга, умуман, ахли маърифатга ўғит, маслаҳатларининг бари ёндафттарга ёзса аргизулини. "Илмда ҳам, ҳаётда ҳам пок бўлиш, пок яшаш, пок ният билан умргузаронлик қилиш"ни ҳаёт коидаси деб билган олим ўзидаги хислатларни фарзандларига ҳам ютирилган хотиралар қатидан бош кўтаради.

Бутун умрини илм-фан ривоҷи учун сарфлаган, тилшуносликда ўз мактабини яратган олимнинг қувончу шодликларга тўла ҳаёт саҳифаларини ўкувчи мароқ билан ўқыйди.

Эргаш УМАРОВ,  
filaologiya fanlari doktori

2017-yil 2-avgust, № 61 (9022)

# Синфхоналарни ҳар йили таъмирлаш шартми?


Ўқувчилар таътилга чиққан бўлса-да, ўқитувчилар ва таълим муассасалари ходимлари мактаб атрофини ободонлаштириши, синфхоналарни тартиба келтириши билан банд. Айрим мактаблардек капитал, айримлариде жорий таъмирлаш ишлари кетяпти. Кимdir пардаларни ювиш, гултувакларни алмаштириши, синган стол-стулларни таъмирлаш, бўши тарафудода. Мақсад эзгу — таълим даргоҳини янги ўқув йилига тайёрлаш. Лекин шу ўринда ҳақли савол туғилади: мактабни, синфхоналарни ҳар йили таъмирлаш шартми? Капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш тартиби қандай, у қай тарзда ва қайси маблаглар ҳисобига алмага оширилади? Шу саволларга жавоб олиши мақсадида Тошкент шаҳар ҳаљ таълимни бошқармаси бошлиги ўрнинбосари Тоҳир Матёкубовга мурожаат қилди.

— Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича вилоят, туман (шаҳар) ҳаљ таълимни бошқаруви идоралари томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Капитал реконструкция ва капитал таъмир учун инвестиция дастури асосида, жорий таъмир учун эса маҳаллий бюджетдан маблаг ажратилди. Пойтахтилиз мактабларини 2017-2018 ўқув йили ва куз-киш мавсумига тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан 20 миллиард 274 миллион 193 минг сўм ажратилди, — дейди Тоҳир Матёкубов.

Ушбу маблаглар ҳисобидан 103 та мактаб, 152 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та меҳрибонлик уйини жорий таъмирлаш режалаштирилган. Бу ишлар худудини ободонлаштириши, синфхоналарни талаб даражасига келтириш янги ўқув йилини кўтапники кайфиятда кутиб олишига хизмат қиласди. Шу маънода жорий таъмир зарур. Бунинг учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблаг ажратилади. Аммо айрим мактабларда янги ўқув йили ва куз-киш мавсумига тайёргарлик жараённида ота-оналардан оммавий тарзда "ремонт"га пул йигиш холлари учраб туради, — дейди Ҳаљ таълимни вазирилиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтиососластирилган давлат умумтаълим мактаби директори

бўлмоқда. Аслида бу ишлар ихтиёрий равишда, мактабнинг васиийлик кенгаши ҳамда ота-оналар қўмитаси қарори билан амалга оширилиши керак. Яъни, хоҳловчилар таълим муассасасининг таъмир ишлари учун имконияти даражасида ҳомийлик ёрдами кўрсатишлари мумкин.

— Мактаб худудини ободонлаштириши, синфхоналарни талаб даражасига келтириш янги ўқув йилини кўтапники кайфиятда кутиб олишига хизмат қиласди. Шу маънода жорий таъмир зарур. Бунинг учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблаг ажратилади. Аммо айрим мактабларда янги ўқув йили ва куз-киш мавсумига тайёргарлик жараённида ота-оналардан оммавий тарзда "ремонт"га пул йигиш холлари учраб туради, — дейди Ҳаљ таълимни вазирилиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтиососластирилган давлат умумтаълим мактаби директори



Барно Раҳимова. — Аслида бу ихтиёрий равишда, ҳомийлик асосида амалга оширилиши керак. Мактаби мизда шундай тартиб жорий этганмиз. Барча таъмир ишларини ички имкониятимиздан фойдаланиш бажаримиз. Ийлакунида синфхона, йўлаклардаги умумий ахвол ўрганиб чиқлади. Сўнг давлат бюджетидан берилаётган маблаг асосида таъмирталаб жойлар тўғриланади. Бундай натижага эришиш учун, ўқувчиларга мактаб мулкни асрар-авайлаш, унга

ўз мулкидек муносабатни шакллантириш жуда муҳим. Шунда таълим муассасаси мулки яхши сакланади ва таъмир учун кўп маблаг сарфланмайди.

Яшнобод туманидаги 69-мактаб директори Кизларсора Маҳкамованинг фикрича, бир синфда 30 дан зиёд ўқувчи ўқиди, балзи фан хоналиги кунига 180 нафарга якин бола кириб-чиқади. Ўқув йили охиригача пол ва парталарнинг бўёги учбич, яроқсиз ҳолга келади. Шу боис ўрниникларни пайвандлаш, пол ва парталарни бўяш, дераза синиқларини ямаш каби вазифаларни ҳар йили бажариш учун ота-оналардан ҳомийлик маблагларини йигишига тўғри келади.

Чиндан ҳам аксарият таълим муассасаларига киришининг билан деворларга мухлланган беўхшов "битетклар"га кўзингиз тушади. "6-A" зў!!!, "6-B" ундан зў!!! "R + V = S", "Гули, сени севаман!". Бино де-

ворлари, дераза токчаларни, зина панжаралари, парталар юзи шундай ёзувлар билан бежалган. Бу, албатта, таълим муассасасида мактаб мулкни асрар-авайлаш, унга зиён етказмаслиг бўйича етарича тушунтириш ишлари олиб борилмаганидан дарак. Агар йил давомида мактаб мулкни асрарга оид мөъёллар болалар онгига сингдириб борилса, ийлакунида оғорварачилиларга барҳам берилган бўларди. Шайхонтохур туманидаги 20-мактабда бу борада яхши анъана шакланган — "Кўзгу" номли деворий газета ташкил этилган. Газетанинг ҳар бир сони мактаб фойесининг кўринарли, ўқувчи кўп тўпландиган жойига илинади. Макалаларда фаол ва аълочинлар ибрат қилиб кўрсатилади. Айрим ўқувчиларнинг паст кўрсаткичи танқид остига олинади. "Мактаб кўрки — менинг кўрким" номли доимий руҳн ташкил этилган бўлиб, унда мактаб мулкига зиён етказган, партасига чизган, ёзган, дарахтлар ва гулларни синдириган, жамоат ишларида катнашмайдиган ўқувчилар танқид қилинади.

— "Кўзгу" деворий газетамиздаги танқидлар ўқувчиларнинг феъл-атвори ва ўзлаштириши яхшилинишига хизмат қиласди, — дейди мактаб директори Шахноза Қосимова.

— Ўғил-қизлар онгига мактаб мулкни асрар-авайлаш каби тушунчаларни шу тарзда сингдириб боряпмиз. Ҳар ўқув йили якунидага юзага келган камчиликларни тўғрилайдигиз. Ўқувчиларимизда мактаб мулкни асрар борасида кўникма шаклангани учун девор ва парталарга чизиш, столларни синдириш каби салбий ҳоллар учрамайди. Ўз навбатида, янги ўқув йилига тайёргарлик кўришида қийналмаймиз. Ҳар йили давлат бюджетидан жорий таъмир учун ажратилган бўёк ва бошқа курилиши материалларидан оқилона фойдаланамиз. Мисол учун, кечагина 126 кг бўёк олиб, йўлаклар, фан кабинетлари, спорт зал, фаоллар залини таъмирлашга киришадик.

**Зилола МАДАТОВА,  
"Ma'rifat" мұхбари**

Наманган шаҳридаги 1-мактаб директорининг мънавий-маърифий ишлар бўйича ўрнинбосари Гулнора Абдуллаева таълим муассасасида мавсумига ҳозирлик бориши хусусида шундай деди:

— Мактабимизда 2282 нафар ўқувчи иккى сменада таълим-тарбия олади. Қишида иситиши ҳажмини иккى баробар ошириш, ўқув биносида мунтазам иссиқлики таъминлаш жуда мураккаб масала. Шу боис киш-кировли кунларда бу борада катор муаммоларга дуч келардик. Спорт залимиз ҳам жардада иситиши қоларди. Нихоят, бу муммия янги ўқув йилидан барҳам топадиган бўйди. Махаллий бюджетдан 150 миллион сўм ажратилиб, мактабимиз иккى иссиқлик тизими тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди. Ўқув биномизга иккита "УКВ-500" рустумли локал иситиши қозони ўрнатилилди. Иссиқлики назорат қилиб борувчи маҳсус кабиналар курилди. Яқин кунларда мутахassisлар томонидан янги ўрнатилиган қозонхоналарнинг ишлари тизими текшириб кўрилади.

**Феруза ХОЛМУРОДОВА,  
"Ma'rifat" мұхбари**

## Иситиши тизимлари янгиланмоқда

Ёз фасли умумтаълим муассасаларида куз-киш мавсумига тайёргарликнинг айни палласидир. Бу дамларни ганимат билган педагогик жамоалар ҳозирлик ишларини ўқув йилини бошлангунга қадар якунлашга қарор қилган.

Бухоро вилоятидаги таълим муассасаларида 2017-2018 ўқув йили ҳамда куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари киғзин олиб борилмоқда. Шу мақсадда таълим муассасаларида тузилган ишчи гуруҳлар ўқув бинопларидаги электр энергияси, табиий газ, сув, иситиши тизимларини текшириб, улардан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоди.

— Президентимизнинг шу йил 22 июнядаги "Республика иктисодиёти тармоклари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёrlашлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори ижросини таъминлаш, вилоятдаги 889 та таълим муассасасини янги ўқув йилини куз-киш мавсумига тайёrlаш учун маҳаллий

бюджетдан 4 миллиард 559 миллион сўм ажратилди, — дейди вилоят ҳаљ таълимни бошқармаси мутахассиси Замир Рабаков. — Ушбу маблаг ҳисобидан 173 та қозонхона капитал ва жорий таъмирланмоқда. Куз-киш мавсуми бошлангунга кадар 470 та қозонни алмаштириши режалаштирилган. Бунгунун кунга қадар 25 физзода янкин иш бажарилди.

Шоғиронкун туманидаги 46-мактабда мавсумни беталоғат, изгирилини кунларни ортиқча ташвишларсиз ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Янги ўқув йилинидан билим масканида 391 нафар ўқувчи таълимни таъмирлаш, вилоятдаги 889 та таълим муассасасини янги ўқув йилини куз-киш мавсумига тайёrlаш учун маҳаллий

иёт газ босимининг тушиб кетиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли кўмир заҳирасини ҳам жамлашпимиз.

Шу кунларда Наманган вилоятидаги мактабларда ҳам синфхона, йўлак, иситиши тизимлари, биноларнинг томи, дераза ва эшик ромлари тутилиб, ойналар бутгланмоқда.

— Куз-киш мавсумига таъмирлаш жараённида учта қозонхона мукаммал, 40 таси жорий таъмирланмоқда, — дейди вилоят ҳаљ таълимни бошқармаси мутахассиси Голиб Асракулов. — Шу кунгача 21 та қозонхона иситиши тармогини ўраш(изоляция) ишлари якунлашди. 2017 йилда 108 та муассасага 261 та тежамкор қозон ўрнатиш белгиланган. Бунинг учун бюджетдан 4 миллиард 605 миллион 468 минг сўм ажратилган бўлиб, бугунгача 88 та иситиши қозони алмаштирилди. Таълим муассасаларига 3267 тонна кўмир ҳамда 1975 тонна брикет ёқилғиси етказиб берилди.







Каршилик Муҳаббат Бўронова юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, "Файз" ойлавий корхонасини ташкил этди. Тадбиркор дастлаб ишни сингиллари билан кичик печда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлади. Иши ривожланиб, мижозлар кўпайгач, банкдан кредит олиб, хориждан замонавий технологияларни келтириди. Ҳозир "Файз" корхонасида бир кунда 52 турдаги 400 килограмгача бўлган қандолат маҳсулотлари

## Мақсад — халққа хизмат кўрсатиш

ишлаб чиқарилалепти. Мехнат жамоасидаги 15 нафар хотин-қизнинг 8 нафари коллеж битирувчilaridir.

— Коллежнинг пазандалик йўналишида олган билимларим амалиётда аскотялти, — дейди Гулзорга Бўронова. — Байрам ва турли танланаларда маҳалладошларимиз дастурхонини биз тайёрлаган маҳсулотлар безаётганини кўриб, эгаллаган хунаримдан рози бўламан.

Шириплик, умуман, егулик тайёrlаш муайян технология, тажриба ва шарт-шароитни, ва албатта, санитария-гиgiene қоидаларига қатъий риоя этишини талаб қиласди.

— Миқдор ва меъор тайёрланадиган маҳсулотнинг асоси ҳисобланади, — дейди тадбиркор. — Шу боис қандолатчilarimiz ишдан ташқари вақтда ўкув курслагаiga қатнаб, янги технологияларни ўзлаштириб, маҳоратини оширияпти. Келгусида цехимизни яна биттага кўпайтириб, йигирма нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш ниятидади.

**Хулкар РАЖАБОВА**

Қашқадарё вилояти



Тил ўрганиш ва ўргатиш шундай мурakkab жараёнки, дарсда ўкувчи ва ўқитувчи ўзаро ҳамкорликда ишламаса, кутилган натижага эришиш кийин. Ўкувчilar орасида кўнчлил олдида гапириш ёки сўзларни нотўғри талаффуз қилишдан чўйидиганлари ҳам учрайди. Айримларни сўзларни диккат билан тингласа-да, яхши тушунмайди, бирор ёзувларни тўғри ўқыйди. Яна шундай ўкувчilar ҳам бўладики, нутки

замонавий ўкув дастурларида шу жиҳатлар эътиборга олингани таълим самарадорлигини ошириша хизмат қиласди. Масалан, интерфонал методлардан бирни "Body language" (Тана "тили") кинестетикларнинг инглиз тилини ўзлаштиришига ижобий таъсир этса, "Visual" ва "Audial" услублари визуал ёки аудиал хусусиятни ўкувчilarinинг мавзуни пухта ўрганишига ёрдам беради.

## Бола психологиясини билган педагог...

равон, мuloқot кўниkmalariни яхши эгаллаган, бирор grammatik томондан кийинчилiklarga кўп дуч келади ёки имло қoидalarini яхши билмайдi. Чet тили ўқитувchisi ҳар bir ўкуvchining индивидуал-психологик хусusiyatlariни idrok эта olishi lozim. Bu uning percepshon kobiiliyatini rivojlaniradi. Ўkituvchi қanchalik kuzatuvchan bўlسا, ўkuvchilarning ўziga xos kirkralarini kўra oлади. Қaisi ўkuvchiga қanday usul ёki vosita ёrdamida tushuntiiriш, taъsir etishi mumkinligini belgilaidi. Pedagog ўz zytiyborini faktat bilgich qaratasa, qolganlarning ўzlaшtiriш daражasi tushiш ketadi.

Чet tiliini ўrganuvchilar axbortni қилиш ва ўzlaшtiriш xususiyatiga kўra audial, vizual va kinestetik bўladi. Xorijiy til-larni ўkitiш bўyicha tuzilaётgan

Talabalarning bilimini tekshiriш учун assisment технологиясидан foydalaniш яхши natixa beradi. Bu teknologiya test, muammoli vaziyat, simptom, amaliy kўnigmak bўyicha savol va topish-rikklar beriladi. Bunday tashkari, darsda bir vaqtning ўzida barba-cha ўkuvchilarning dikkatiini ўziga tortishi va dars mavesusini tushuntiriшda axborot-kommunikatsiya texnologiyalariдан unumli foydalaniшiniga ҳam ahamiyati katta. AKT orkali ўkuvchilarning sўz bойлиgini oshiриш, turli kўshik va matnlarni tinxlash, ularni taхtil kilmay rad etishi kabi omillar ziddiyatlari vaziyatlarini vujudga keltilradi. Shuningdek, taъlim jaraёnni tashkilashlari sharoitida pedagog, ўkuvchi va jaraёnni rejalashlari uchun imkoniyatlarining nobatiga olinmasligi ҳam tushunmowchilika sabab bўla-di.

Хафиза ISLOMOVA,  
ЎзДЖТИ катта ўқитuvchisi

## Донолар сұхбати

Китоб ҳалқининг маданий-мáтьнавий мероси ҳисобланади. Усиз инсон ҳаётى зулматга қiёslanган. Эришган барча мұваффакиятларимиз учун ҳар биримиз китоб деб атальши билимлар хазинасини қadrлаймиз. Китоб доими бизни фикрлаш, ҳалол мөхнат қилиш, яхшилик қилиб яшаш, Ватанни севиш ва ардоқлаш, жамият тараққиётiga хизмат қилиш каби эзгу амалларга чорлаб келган.

XXI аср техник тараққиёт даври бўлди. Тараққиёт эса инсониятни келажак сари бошлади. Яшаш учун енгилликларнинг кўпайши тараққиёт билан узвий boglikdir. Ammo shart-sharoit engil bўlgan sari odamlar tobora danqasiga bўlib boraitgandek. Oddil mimosol: kitob ўкиши учун кун mobaynila ўn daqiqka vaqz akjarta olmamiz. Kun bўyi bekorchilikda vaqz utkazishimiz mumkin, ammo kulg'a kitob

oliш ҳақида ўйлаб ҳам kўrmaimiz. Xush, mutolaaga mehr bериш, kitoblarning kўlma-кўl bўliши учун nima қiliшимiz kerak?

Педагогика мутолаага жалб қилиш, ўкишига қизиқтиришнинг турли usululari bor. Ўkituvchi okilona iyl topsa bўlgan. Talabaliq paitimizda adabiyet ўkituvchimiz mutolaaga жалб этишининг noanъnaviy usullaridan foydalanaRD. Darsga kelmайдigan passiv talabaga badiy asar mutolaasini yoklab kўyrdi. Talaba қanqa marotaba mashgulotga қatnaшmag'an bўlsa, shuncha badiy asar mutola қiliши, mazmunini butun aудиторияга худди notiқdek gapirib beriши шарт edi. Ut-turt martga dars қoldiriganim учун ўtkir Ҳошимовинг "Икки эшик ораси", Said Aхmadning "Ufk" ҳамда Жек Londonning "Martyn Iden" romanlarini ўқib, mazmu-nini ni tengdoшlarimga hikоя қилиb bergranim esimda. Domlanning bu usulni kўllaganiдан ҳамон minnatdorman. Ўқilmag'an badiy asarlar mutola қilingan, mazmunini chakilgan. Bunday nafta kat pассив talabaving dune'қaraishi kengay-gan, balki boшqa tengqurlarimiz ҳам asar mazmunidan bohabar bўlgan.

Ёшларни kitob ўkiшига жалb этиш давр muammosiga aylanadi. Ularни mutolaaga қiziқtiриши учун noanъnaviy usullardan foydalaniш kerak. Masalan, туғилган кунда kitob sovg'a қiliш, tez-tez mutolaasini darслarini ўtkaziш va ўkilgan badiy adabiyet ҳaқiда fikr almashiш, adabiy tūgarak ochiш, kutubxonaga ekskursiya uyoшtiriш kutilgan nati-jani beradi.

Жавонларимизни bezab tur-gan kitoblarini kўz-kўz қiliш учун emas, balki taфakkur olamimizni bойитuvchi vosi-taga aйлантиришимiz losim. Jildi oхorli, saхifalari oçilmasdan turgan янги kitobdan kўra kўlma-кўl bўlib, baҳs-munozara yuғrotuvchi taфakkur dурdonasi яхши emas-mi? Ota-onalar үғil-қizlari ni dasturxon atrofiga yigib, bўlar-bўlmas horijiy seriallar tomosha қilmasdan, kўliga kitob olsa, farzandlar ҳam ylapdan ibrat oлади. Zamona-viy teknologiyalar mutolaaga tусиқ bўlmasiли kerak. Agar bomsa shakli topilmagan kitobning elektron varianti ўқilsa, buning йўrigi boшqa. Zero, donishmandlar aytgani-dak, kitob mutolaasi dononalor suхbatidan baҳramand bўlmoқdir.

**Элёр МУМИНОВ,  
Бахмал педагогика  
коллехи директорининг  
мáтьнавий-матрифий ишлар  
бўйича ўринbosari**

## Ўкувчинизни тушунинг

Хозирги ўшлар muloқotga kirovsharkan, fikrini tўliq baён этиш imkonini bўliшини, bildirigan muloxazalari inobatga olinishini xoхlайди. Shuningdek, aйтigilan gal-parni taхtil kilmag' ҳolda raddия bering, ўz sўzini ўtказishga intiliш ҳam ўşlarga xos odatdir. Al-batta, buni kattha avlod ёkimli haflat sanamайдi va natiжada turli keliшmowchiliklar yozaga kela-di. Орасида ziddiyati keltiriши чиқaruvchi жароғi, pedagog va taъlim oluvchi ўrtasidagi baxzi ziddiyat va nizolarning keliib chiqishiga ҳар bir oмил bu — ўкуvchilar bilimini bахolashaда meъorни бушиш ҳамда субъектив ёндашишdir. Shuningdek, goҳida ўкуvchidan ўzimiz biladig'an daражada bilimni талab этишимiz, яхni қarishimiда 17-18 ёш atrofidi, ўkitaiтgan fanimizdan tashkari yahna 25 ta fanни ўzlaшtiriшta intilaётgan ўкуvchi turgанини obъektiv қabul kilmasligimiz ҳam bir muammmodir.

Pedagogik-psychologik muammonarign oлдини oлиш учун tarbiya-chi ўktir psychologist va moхir pedagog bўliши losim. Shunday ўkituvchi назарий bilimni va sеzgirligi vositasida ўkuvchi bilan oson tild topishadi. Faoliyatini moхirona olib boradi. Ўкуvchining Fikri, tuyusisi va irodasini bevosita boшқariш sanъatini egallagan xisoblanadi.

Pedagog tinggaш қobiiliyatiga эга бўлса, auditoriyada ҳеч қanday nizoni yozaga keliшmowchilidi. Ўкуvchilarini ruhlantiradi, янги fikr va foяlarining shakllanishi sharoit yaratadi. Ўkituvchining darsini ўкуvchilar dikkat bilan қabul қilsa, bu pedagogik muloқotdan ikkala tomon ҳam yadi.


**Феруза ЁКУБОВА,  
Шахноза РАХМОНОВА,  
2-Toшкент юридик коллехи  
ўқituvchilari**

# Мутолаа тарбияси

миллат тараққиётининг муҳим омили

**Баъзида мутолаа маданиятни сустлашиб кетаётганидан сўз очилганда: “Ёшларимиз китоб ўқимай қўйди” каби нолишларни эшишиб қоламиз. Мен эса ёшларимиз эмас, балки катталар, ота-оналар китоб ўқимай қўйди, дейман. Келинг, шу уринда ҳәёттий кузатишларимни сиз билан ўртоқлашсам...**

Тарбия бобида ишониб, суннадиган асосий куч, омиллардан бири — китобдир. Ўёш, биз бу бебаҳо манбадан қандай фойдаланяпмиз? Ўғил-қизларимизга китоб ўқиш ва уқиш одати, одобини қай тариқа ўргатмоқдамиз, умуман, бунинг уддасидан чиқа оляпмизми? Жанубий Корея, Германия кутубхоналарида аҳолига кутубхоначиллик хизмати кўрсатиш фаoliyati билан танишиш мақсадида хизмат сафаридан бўлиб кайтдим. Ҳар иккала мамлакатдаги китобхонликка берилаётган ётибор, “Ҳамма кулайликлар, шароитлар китобхон учун”, “Кўп китоб берилишига эришайлик” шиори остида олиб берилаётган ишларга жуда-жуда хавасим келди. Жанубий Кореядаги ҳар шанба-якшанба “Кутубхоначилик кунлари” дэя эълон қилиниб, шу кунлари эмизики болалари бор аёллардан тортиб, 12 ёшгача бўлган фарзандлари билан ота-оналарнинг кутубхона шароитида китобларни биргаликда ўқиётганига гувоҳ бўлдик. Берлин шахрида жойлашган барча турдаги кутубхоналарда кичкентойи билан келадиган оналар учун ташкил этилган алоҳида шароитларга эга хоналар мавжуд. Ака-ука Гриммномидаги кутубхона мавжуд 1000 та китобхон ўрнининг бирортаси бўш эмаслиги ва ана шу ўринларга онлайн тартибда навбат ташкил этилганинг гувоҳи бўлдик. Берлин кутубхоналарида ҳам ота-оналарнинг иккага ундан катта ёшли фарзандлари билан бирга ўтириб китоб ўқиши, бу уларнинг одатий турмуш тарзига аллануб улугрганидан ҳаяжонландик. Буларни кўриб, ҳалқимиз азалдан энг китоб-



хон ҳалқ дёя тан олингани, ана шу бебаҳо қадриятларни бус-бутунлигича, қайтадан тиклашимиз нечоғлик зарур эканини дил-дилимдан хис қилдим. Кузатишларимга таяниб, ёшларнинг китоб ўқишига қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтириш борасидаги таклифларимни баён этмоқчиман.

Мустақиллик йилларида, жумладан, кутубхоначиллик соҳасида олиб берилётган кенг кўлами ислоҳотлар, мамлакатимиз кутубхоначиллиги тарихида илк марта “Ахборот-кутубхона фаoliyati тўғрисида”ги қонуннинг кабул қилиниши, бир неча қарорларнинг эълон қилиниши, кўп йиллик орзуларимизнинг маскур соҳага нисбатан қизиқишини сўндириши, кутубхонада ишлашнинг асл моҳияти, жамиятда тутган ўрнини теран англашига халақтада бериши табиий. Бу борада жойлардаги маҳаллий ҳокимлеклар, масъул шахслар жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Чунки кутубхонача нафақат китоб олиб, китоб бериш билан шугулланади, балки сўз тъасирида, ўзи ўтказётган тадбирлар ёрдамида китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қиласди. Фарзандларимизнинг гўзал ҳулкавтор эгаси бўлиб улгайшига кўмаклашиш баробарида, қасблар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга, шу асно ўзига мос ва тўғри касб танлашига қўмак беради. Соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳам долзарб вазифалардан бири эканини қайд этмоқчиман.

Оилави китобхонликни ривожлантириш учун ота-оналар билан фарзандларнинг кутубхона шароитида, китоблар орасида биргаликда китоб ўқишини ташкил этиш, улар учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш яхши савиасида сифатида касбий маҳорат ва малакасини ошириш мухи-

малатимизда бунинг учун имконият етари эканини таъкидламоқчиман.

Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси айни кунда тубдан таъмирланиб, янгидан янги имкониятларга эга бўлиб бораёттир. Ҳусусан, ички қисмининг қайта модернизация қилинши китобхонлар учун катта кулагильлар тудириди.

**Олимлар, ота-оналарнинг фарзандлари билан биргаликда мутолаа килиши, ногиронлар учун барча зарур жиҳозларга эга алоҳида кабиналар ташкил этиши ниятизим бор. Қўпгина онараримиз илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун уйга китоб олиб кетади. Албатта, оила шароити бошқа, кутубхона бошқа. Уйда аёл қишини ҳамиши адоқсиз югар-югурлар кутади. Натижада, ўз устидаги ишланиши кийин. Кутубхонада эса болаларга қараб турадиган тарбиячи-хамширлар ишга олинади. Махсус хоналарда болалин ухлатиши, овқатлантириш учун барча шароитлар яратади.**

Муваффақиятларимиздан сўз очадиган бўлсан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси яратилган кулагида биргаликда китобхонликни ривожлантириш учун ота-оналар билан фарзандларнинг кутубхона шароитида, китоблар орасида биргаликда китоб ўқишини ташкил этиш, улар учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини яратиш яхши савиасида сифатида касбий маҳорат ва малакасини ошириш мухи-

тини яратди. Китобхонлар учун эса турли маданий, маърифий, эстетик, фалсафий мушоҳадалар майдонига, мактабига айланди. Бу тадбирлар, аввало, энг долзарб мавзуларга оид билимларни бериш баробарида, ана шу мавзулар, китобга қизиқишини шакллантиради; бадиий, илмий, смёсий дунёкаршини кенгайтиради, янгидан янги дўстлар ортиришига ёрдам беради; машҳур кишилар даврасига олиб киради, улар билан бевосита мулокотда бўлиши имконини яратади. Ёшларимизни ўз идеалларини топиши, уларга эрганиши, келажакда машҳур бўлиш, жамиятда ўз ўрнини топишига чақиради.

Шунингдек, Республика болалар кутубхонасида ўтказилиб келинаётган “Йилнинг энг яхши китобхони” кўрик-танловининг болаларнинг китобга меҳр беришдаги ўрни катта экани ҳам эътирофга лойик. Бир неча бор ана шундай танловларда ҳайъат аъзоси сифатида иштироқ этдим. Тадбир туман ва шаҳар, вилоятлар ҳамда республика босқичи тарзида ўтказилади. Республика босқичига узоқ туманлардан чиқиб келган болаларимизнинг китобга меҳри, билимга интилишини кўриб куонасан киши. Ана шу кўрик-танлов қанчадан-канча болаларимизнинг иктидорини кашф этиш, намоён этишлари сари йўл очёттир. Бу каби тадбирларда ишонч ҳосил қиласмизи, мутолаа китоблар ҳақида Фикр юритиши, воеаларга муносабат, таҳлил қилиш, ижодкорлик, пировардидаги эса ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш каби фазилатлар қарор топа боришида бекиёс хизмат қиласди. Албатта, бу каби сайд-ҳаракатларни ҳар ҷанча эътироф этсак кам. Бироқ болада китоб ўқиши кўнникаси, малякаси оилави мутолаа маданиятни орқали шаклланади борса — бу ҳақиқий маънавий бойлик сифатида авлоддан авлодларга ўтвичи бебаҳо меросга айланади. Ҳар бир хонадан ўз кутубхонасига эга бўлиши, китобга мұхаббат ўйготиш бола тарбиясининг ажралмас қисми эканини ота-оналаримиз тегран хис этиши ва бунга амал қилиши жуда кўп йўқотишларнинг олдини олади. Китобхонлик дунё маданиятининг мұхим ва ажралмас қисми эканини инобатга олсак, мутолаа тарбияси миллат тараққиётининг мұхим омили эканига яна бор амин бўламиш.

**Зуҳра БЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон Фанлар  
академиясининг асосий  
кутубхонаси директори**



# БИЛИМ, ИҚТИДОР ВА САЛОҲИЯТ СИНОВИ

**юртимиздаги юзлаб ёшлар учун муҳим ҳаётий босқич бўлди**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Қарор ижросини таъминлаш борасида универсitetimizda муйян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўқув режаси ва дастурлари ҳамда малака талаблари оптималлаштирилди, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Мансур Камолов. — Шу билан бирга, ўқув режасининг янги концептуал намунаси ишлаб чиқилди. Беш блокдан иборат ўқув режаси уч блоккача қисқартирилди. Ўқув семестри давомийлиги 19 ҳафтадан 14 ҳафтага камайтирилди. Бу талабаларни ўқув юкламасини пухта ўзлаштириши, мустақул таълим олишини ривожлантириша хизмат қиласди. Энди талабалар ҳафта давомида факат 5 кун ўқиди, қолган кунлари ўз устида ишлайди. Шунингдек, талаба тўргут йил давомида ўзлаштириши шарт бўлган фанларнинг умумий сони 30 тагача қисқартирилди. Ўқитувчиларнинг ҳам ўқув юкламалари қўйадан кўриб чиқилиб, бошқа университетлардан фарқи ўлароқ, илмий, маърифий, ташкилий юкламаларнинг хисобга олиниши механизми тұтқаттилди. Асосий эътибор факат ўқув юкламасини баҳаришга қартилди.

Университетда тест синовини ўтказишга янгича ёндашилди. Илгари жараён тарқоқ ҳолда мактаблар бинолари ва бошқа турли аудиторияларда ўтказилганида бир қанча камчиликлар кўзга ташланган. Бу йил юридик университетга кириш имтихони "Ўзэксномарказ"нинг ҳар бири 1000 — 1500 нафар абитуриентга мўлжалланган тўргут павильонидан ташкил этилди.

— Тест синови бўлладиган заманга турли текширулардан ўтиб кириб бордик, — дейди жиззахалик Нуриддин Маматкулов. — Назорат-кириш нуктларидан металл буюмларни аникловчи ускуналар ўрнатилган бўлиб, ўқув кўйланма, мобил телефон, "шарргал" каби тақиқланган буюмларнинг олиб кирилишига йўл қўйилмади. Уларни олиб киришга уринганлар тест синовидан четлаштирилган гувоҳ бўлдик. Абитуриентлар алоҳида парт-

ларда ўтиргани учун кўчирмақашлик, эътиборни чалғитиш ҳолатлари бўлмади.

Йўлкларда ўрнатилган огохлантирувчи баннерлар абитуриентларни тўғриликка чорлаган бўлса, имтихон ўтказиладиган павильонга яқин жойда сўнгги огохлантирув тариқасида қизил чизик тортилган. Шу чизикини назарга илмай, тақиқланган буюмлар билан кўлга тушган абитуриентлар кимлиши юзасидан гувоҳлар иштироқида далолатнома тузилиб, қоидабузларлар тестга қўйилмади. Шунингдек, биноларда юздан ортиқ кузатув камераси ишлаб турди. Тест синови жараёнини "Ўзэксномарказ" худудига кириш жойларидан ўрнатилган учта ийрик ҳажмил LED экранда абитуриентларнинг отоналар ва яқинлари тўғридан-тўғри кузатиши имконига эга бўлди.

— Кизим Гулнора Туронбоева бу йил олтинчи марта шу университетта ўқишига хужжат топшириди. Ҳар йили тест жараёнидан кўнгли тўймаган кизим бу гал жараён шаффоф ўтганини айттиб, севинчини ичига сиддиролмай тест ўтказилган бинодан чиқиб келди, — дейди наманганлик Сохиба Каримова.

Бу йил университетнинг бакалаврият таълим йўналишига ахратилган 600 ўринга 6132 нафар абитуриент дъяворгалик қилди. Улардан беш нафари умумтаълим фанлари олимпиадаси голиблири. Бу йилги қабул квотаси ҳам 150 тага ортган бўлса-да, ўтган йилга нисбатан 2000 та кўп хужжат топширилди.

Дарҳақиқат, бу йил юртимиздаги барча олий таълим мусассасалари олдинги йилларга қараганда кўп абитуриентлар хужжат топширгани кузатилди. Бу юртимизда билим олишига қизиқиши баланд ҳигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораёттанидан, ҳалқимиз илмининг фазилатларини янада теран англаётганидан далолатдир.

— Тест синовларида ракобат йилдан-йилга қуаймокда, — дейди давлат тест мар-

кази бўлим бошлиғи Орзиқул Бобоев. — Масалан, бундан 5 йил олдин бир ўринга 7,6 абитуриент дъяворгалик килган бўлса, жорий йил бу рақам 10,9 нафара етди. Бу йил ўтган йилга нисбатан олий таълим мусассасаларига 66643 нафар кўп абитуриент хужжат топширгани ўшларнинг ўқишига, малакали мутахассис бўлишига қизиқиши ортиши баробарида, улар ўтрасида соғлом рақобат кучайиб бораётганини кўрсатти.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам 1 август куни эрта тонгдан гавжум бўлди. Тўрт босқичи текширулардан ўтиб аудиторияларда ўрнашган йигит-қизлар имтиҳонда билимдан бошқа ўчнаса наф бермаслигига амин бўлди.


Университет қабул комиссияси томонидан хужжатларни қабул қилиш ва тест синовларини ўтказишида биометрик ва паспорт маълумотларни асосида абитуриентларни назорат килиш (идентификация) ва бошқариш тизими, шунингдек, ўнинг ўчлами ва бармоқ изларини сканерлаш орқали шахсни аниқлашга қаратилган технология или бор кўлланиди. Мазкур дастур ёрдамида бирорнинг ўрнига хужжат топшириш ва имтиҳонга киришга уринган айрим соҳта абитуриентларни тайёрлаб келаётган олий таълим мусассасаларидан.

Имтихон жараёнлари ушбу таълим масканида ҳам шаффоф ва адолат мезонларига мос тарзда ташкил этилди. Боиси, жамоатчилик назорати йўлта кўйилган бўлиб, отоналар фарзандларининг имтихон топшириш жараёнини монитор орқали кузатди.

— Бу йил иккичи бор ўқишига топширидим, — дейди самарқандлия Баҳора Ахмадова. — Ноконуний хатти-харакатларнинг олдинги олишига қаратилган тадбирларни кўриб ҳурсанд бўлдим. Шунинг учун тест синовидан ўтласам ҳам ғой бўлмайман. Чунки энг билимли тенгдошларим тест синовларидан ўтишига ишонаман.

— Ўтган йили фаолиятини бошлаган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бу йил иккичи бор абитуриентлар учун тест синовлари ўтказилди. Университет қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Шермуҳаммад Омоновнинг таъкида, талаба бўлиши ёшлар истагидаги ўшлар учун она тили ва адабиёт, инглиз тили каби фанлар бўйича консультатив машгулотлар, қўшимча дарслар ташкил этилди.

— Олий таълим мусассаси профессор-ўқитувчиларидан она тили ва адабиётни чукур ўрганиш, ўқишини битиргач, жозибади тилимиз хусусиятлари ва



бой адабий меросимизни ўқувчиларга ўргатиш, уларни китобга ошно қилиш энг юксак орзуим, — дейди бойсунлик Садоқат Хўжакулов. — Шунинг учун она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили фанлари бўйича тест синовларига пухта тайёргарлик кўрганман.

Тошкент кимё-технология институти иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишида муҳим ўрин тутиви кимё, нефти ва газни қайта ишлаш, озиқ-овқат ҳамда курилиши материаллари саноати соҳаларида етук мутахассислар тайёрлаб келаётган олий таълим мусассасаларидан.

— Мутахассисликларга бўлган талабни инобатга олган ҳолда бу йил хизматлар соҳаси (овқатланиши) ташкил этиш ва сервис) таълим йўналиши очилди. Ўнга 30 нафар талабани ўқишига қабул қилиш кўзда тутилган, — дейди институт қабул комиссиясининг масъул котиби Равшон Одилов. — Мунтазам ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни", отоналар, ўшлар билан ўтказилган сухбатларда янги йўналиши очилди. Унга 30 нафари давлат гранти, 1450 нафари эса шартнома-тўлов асосида ўқишига қабул қилинади. Абитуриентлардан 273 нафари ҳарбий хизматни ўтаб, имтиёзли йўлларни билан хужжат топширган ийтилардир.

Бу йил олий таълим мусассасасида тўртта янги таълим йўналиши очилиб, йўналишилари сони 45 тага етди. Жумладан, енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари, курилиши материалилари, буюмлари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш, агрономия (сабза-вотчилик ва полизичилик), доровор ўсимликларни етишириш ва қайта ишлаш технологияси йўналишиларида абитуриентлардан хужжатлар қабул қилинди.

Университет қабул комиссияси маълумотларига кўра, абитуриентларга ўзи танланган таълим йўналиши бўйича хужжат топшириш учун барча кулаипилар яратилди. Ўтган ўқув йилида хужжат топширган абитуриентлар сонига нисбатан 20 физий кўп ўрин тайёрланди. Давлат тест маркази томонидан кўрсатилар берилган камчиликлар бартараф килинди.

**МУХБИРЛАРИМIZ**

# ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ — ДУНЁДА ИККИНЧИ!

**Шу йилнинг 25–31 июль кунлари Ҳиндистоннинг Лакхнау шаҳрида ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги математика бўйича халқаро мусобақада вакилларимиз 2 та олтин, 2 та кумуш медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.**

Юртимизда ўтган йиллар давомида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди, ўқитиш жараёнига илгор метод ва усуллар, янги педагогик технологиялар татбиқ қилинди. Дарс ва машгулотларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани эса ўғил-кизларимизнинг фанларга қизиқишини ошироқмода. Пирвардиди, таълим сифат ва самарадорлиги юксалиб, уларнинг нуфузли кўриктанлов ҳамда интеллектуал мусобақаларда зафар қушишига замин яратмоқда. Ўқувчиларимизнинг Ҳиндистонда эришган ғалабаси ҳам тизимдаги ислоҳотларнинг амалий самарасидир.

Кече Тошкент халқаро аэропортида мазкур нуфузли мусобақа иштирокчилари тантанали кутиб олинди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги вакиллари, мусобақада иштирок этган ўқувчиларимизнинг ота-оналари, ўқитувчилари ва тенгдошлиари қатнашди.

Мазкур халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси тўртинчи марта иштирок этди. Дунёning 41 давлатидан келган ёш математиклар орасида ўқувчиларимиз шу йили иш маоротаба 2 та олтин медални олишига муваффак бўлди. Терма жамоанинг тўрт аъзоси ҳам бир мактаб ва-



киллари — Бухоро вилояти Коракўл туманиндағи 1-ИДУМнинг 8-синф ўқувчилиси Исмоил Пўлтавов, 7-синф ўқувчилари Дониёр Исмоилов, Севараҳон Остонова, Олимжон Олимов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя килди.

— 2003 йилдан бўён ўткашиб келинаётган халқаро мусобақада баҳслар шахсий ва жамоавий турда бўлиб ўтди, — дейди терма жамоамиз раҳбари Шухрат

Исмоилов. — Унда ўқувчиларимиз математик масалалар, геометрик шакллар ва алгебра қоидлари бўйича беллашди. Биринчи турда 15 та масалани очишига киришиб, Болгария, Жанубий Корея ва Ҳиндистон каби мамлакатлардаги тенгдошларидан билимли эканини амалда кўрсатиб берди. Дониёр ва Севараҳон индивидуал баҳсларда олтин медални кўлга киритган бўлса, Олимжон ҳамда

Исмоил яккалик баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлди.

Фарзандини кутиб олаётган Гулчехра Остонованинг ҳаяжони бир олам.

— Боланинг тўғри тарбия олиб, ўсиб-улгайши онани қанчалик баҳтиёр этса, унинг ютуғи ота-онага юксак фурур-иiftixor бағишилар экан, — дейди у. — Бугун ўғлим Исмоилжоннинг дунёning энг иқтидорли ўқувчилари билан билим бо-

расида ўзаро беллашиб, зафар қўргани, юртимизга кумуш медаль ва кубонки тақдим этганидан бағоят хурсандман. Математикага қизиқиши баланд. Исмоилжоннинг келгусидаги максадлари ҳам шу соҳа билан боғлиқ. Муҳими, фарзандим қалбида жамиятимиз равнақи учун хизмат килиш иштиёки жўш урмокда.

— Мусобақа масалалари мен учун мураккаблик қилмади, — дейди олтин медаль соҳиби, кўзларида файрати акс этиб турган До-ниёр Исмоилов. — Бу устозларимнинг мактабда менга пухта билим бергани, мусобақага тайёр гарлик чогида машақатли синовлардан муваффакиятли ўтганимиз туфайлидир. Халқаро мусобақадаги бир неча масаладаги топшириклар тузилиши менда қизиқиши ўйлотди. Масалан, “1 дан 6 гача бўлган сонларни бир қаторга бир неча усула жойлаштиринг. Бунда ҳеч қайси ёнма-ён турган икки соннинг айримаси З бўлмаслиги керак” дейилган. Ушбу масала шартини бажаришдан завқландим.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,  
«Ma'rifat» мухабири  
В.ГРАНКИН  
олган сурат.**

## Педагогик таълим ривожига юксак эътибор

Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, умуман, қасбий таълим бўйича кадрлар тайёрлайдиган турдош олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича ўтказиладиган бўш иш ўринлари ярмаркаларида ҳар йили бир ҳил ҳолат кузатилади: Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларининг малакали педагог кадрларга эҳтиёжи анча юкори. Мазкур ҳудуддаги, айниқса, чекка қишлоқлардаги таълим муассасаларида чет тиллар, бошлангич таълим, аниқ фанлар бўйича мутахасислар етиши майди.

Шу сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Тошкент вилоятига ташрифи мөбайнида ҳудудда педагогика институтини ташкил этиши ҳақида билдириган фикри барчани хушнуд этди. Орадан кўп ўтмай, давлатимиз раҳбарининг “Тошкент вилоятни Чирчик давлат педагогика институтини ташкил этиши тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, агарни дунё иморатлари ичida энг улуғи мактаб бўлса, касларнинг орасида энг шарафли ўқитувчилар ва мураббийликдир. Бу ўтироф касбнинг мавқеи баробарида залвори, масъулияти оғирлигини ҳам англатади. Чунки халқнинг саводхонлик даражаси

ўқитувчиларнинг касбий билими, салоҳияти билан белгиланади. Бугунги кунда айрим ёшларнинг имло хатоларига йўл қўяётгани таълим тизимимизда катор муаммолар борлигини, уларга бошлангич таълим пухта ўқитилмаганини кўрсатади. Таълим соҳасидаги иллатлар йўқотилмас экан, барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетади.

Шу кунгача ҳудудда кадрларга бўлган эҳтиёж номутахассислар хисобига қопланган. Ўқув-тарбия ишлари баъзи ўринларда ўқитувчилари номига номонисиб кишиларга топширилган. Бугун таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, таълимнинг шакли билан биргра мазмунига ҳам эътибор каратиш пайти келди.

Тошкент вилоятидаги мактабга-

ча, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошлангич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ ҳойлардаги таълим муассасаларини юкори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтини ташкил этилган ўз ўринда амалга оширилган салмоқли иш бўлди. Айни пайдада Тошкент вилояти халқ таълим тизимидаги 1348 таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Мехрибонлик уйи, 31 та болалар мусиқи ва санъат мактаби, 19 та “Барқамол авлод” маркази, 19 та болалар ва ўсмирилар спорт мактаби фаoliyat кўrsatmokda. Албатта, янги институтнинг ташкил этилиши мазкур таълим муассасаларини малакали педагоглар билан таъминлашни мумкин ўрин тулади.

2017-2018 ўкув юли учун Тошкент вилоятни Чирчик давлат педагогика институтини талабалари

контингентининг Тошкент вилоятида доимий яшайдиган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишига кабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари айтириентлари хисобидан ҳудуддаги таълим муассасалари эҳтиёжини инобатга олган ҳолда шакллантирилиши ўшлар учун яна бир куляй имкониятдир. Энг муҳими, институтни юкори малакали профессор-ўқитувчилар, таълим йўналишлари ўкув режаларига мувоғи фанларни ўкув адабиётлари ва илмий-методик кўлланмалар ҳамда ўкув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компютер техники билан таъминлаш чоралари белгиланганни етук мутахассисларни камолга етказишига хизмат килади.

**Хожикул ОМОНОВ,  
педагогика фанлари доктори, профессор**

2017-yil 2-august, № 61 (9022)

## Нодирбек Абдусатторов жаҳон терма жамоасида!

**Истебодли шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов жаҳон ўсмилар терма жамоаси таркибида АҚШнинг Сент-Луис шахрида 26–29 юль кунлари ўтказилган "Мингийлик матчи" – жаҳон ва АҚШ ўсмилар терма жамоалари ўртасидаги матчада муваффакиятиши шитирок этди.**



14 ёшгача бўлган ўсмилардан изборат жаҳон терма жамоаси таркибида ҳамортизмиздан ташқари хиндиистонлик Прагнанандҳа Рамеш

Бабу (2479), россиялик Бибисора Ассаубаева (2386) ва болгариялик Нурут Салимова (2332) дона сурдид. Американик тенгдошларига қарши дона

сурган 17 ёшлилар терма жамоаси таркиби эса қўйдагича: Хайт Мартirosyan (Армения, 2544), Андрей Еспенек (Россия, 2523), Алексей Сарана (Россия, 2510), Антон Смирнов (Австралия, 2495), Ариян Чопра (Хиндистон, 2491).

Схевенинген системасида (бир жамоа вакиллари иккinci жамоа вакилларининг ҳаммаси билан навбатга-навбат ўйнаб чикади) бўлиб ўтган мусобақада 17 ёшлилар 8 тур, 14 ёшлилар 4 тур ўйнашди. Якунда 17 ёшли шахматчилар ўртасида жаҳон терма жамоаси 20:13, 14 ёшлилар жаҳон терма жамоаси 11,5:4,5 хисобида устун келди. Якуний ҳисоб: 31,5:17,5 – Жаҳон терма жамоаси фойдасига. Голиб жамоа 20 000, мағлуб жамоа эса 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотга эга бўлди.

### МУХБИРИМИЗ

## 8 олтин, 6 кумуш, 4 бронза

**Мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида шахматчиларимиз шунчага медалга сазовор бўлди!**

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қўлаётган иқтидорли ўш спортчиларимиз ҳалқаро мусобақаларда маҳорат бобида манаман деган рақибларидан устун эканини исботламоқда.

Жорий йилнинг 21–29 юиль кунлари Хитойнинг Панцзин шахрида мактаб ўқувчилари ўртасида қўтия чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ўшлар муваффакиятиши шитирок этди. Вакилларимиз блиц, рапид ва стандарт шахмат йўналишларининг барчасида медалларга сазовор бўлди: стандарт йўналишида – 1 олтин, 3 кумуш, 1 бронза, рапидда – 2 олтин, 2 кумуш, 2 бронза, блицда – 5 олтин, 1 кумуш, 1 бронза медал.

Якуний натижаларга кўра, жами 18 медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа хисобида 2-йуринни эгаллади. 1-йурин Хитой ва 3-йурин Филиппин терма жамоаси вакилларига наисбет этди.

Ёш шахматчиларимизнинг натижалари билан танишиш:

**Умида Омонова** (11 ёшгача, Сергели туманидаги 266-мактаб ўқувчиси) – стандартда – 1-йурин, рапидда – 2-йурин, блицда – 1-йурин.

**Олмос Раҳматуллаев** (11 ёшгача, Ўртачирчик туманидаги 54-мактаб ўқувчиси) – стандартда – 2-йурин, рапидда – 1-йурин, блицда – 1-йурин.

**Афрорзабону Рўзиматова** (7 ёшгача) – стандартда – 2-йурин, рапидда – 2-йурин, блицда – 1-йурин.

**Ситора Сапарова** (15 ёшгача, Хатирчи туманидаги 5-мактаб ўқувчиси) – стандартда – 3-йурин, рапидда – 1-йурин, блицда – 1-йурин.

**Юлия Хегай** (13 ёшгача, Юнособод туманидаги 257-мактаб ўқувчиси) – стандартда – 2-йурин, рапидда – 3-йурин, блицда – 2-йурин.

**Зилола Акрамова** (9 ёшгача, Хатирчи туманидаги 5-мактаб ўқувчиси) – рапидда – 3-йурин, блицда – 1-йурин.

**Мирфайз Суннатов** (13 ёшгача, Фиждуон туманидаги 24-мактаб ўқувчиси) – блицда – 3-йурин.

Хусан Нишонов

Жорий йилнинг 14 юлидан 14 августига қадар Фарғона вилоятида соглом овқатланиш ва жисмоний фаоллик мавзусига багишланган ахборот-тазлим ойлиги ана шундай шиор остида ўтказилмоқда:

## «Соғлом ҳаётга қадам бос!»

Вилоят ахолиси ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб килишга қаратилган ушбу тадбир Жаҳон соглигни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, вилоят ҳокимлиги ва "Саломатлик – 3" лойиҳаси ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Ойлик муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида хорижлик мутахассислар, тибиёт ходимлари, журналистлар иштирок этди.

— Соғлом турмуш тарзи саломатликнинг мухим омили, — деди Тошкент тибиёт академияси "Болалар ва ўсмилар овқатланиши гигиенаси" кафедраси мудири Гули Шайхова. — Ишчи гурухимиз азъолари билан биргаликда бир ой давомида Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг йирик савдо обьектларида "Саломатлик майдончasi" акцияларини ўтказяпмиз. Акциялар доирасида аҳоли ўртасида сўровнома ўтказаб, уларнинг қон босими, тана вазни ҳамда бўйи ўлчанган ҳолда, саломатлик кўрсаткичлари аниқланмоқда. Тибиёт кўридан ўтган ҳар бир кишига тибиёт ходимлари томонидан мақсадли тавсиялар бериляпти.

— Кейинги пайтларда эркаклар ва аёллар, ҳатто, ёш ўйигит-қизларда ҳам ортиқа вазн кузатилаётгани сир эмас, — деди Жаҳон соглигни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси мутахассиси Елена Цой. — Бунинг асосий сабабларидан бири нотўғри овқатланишидир. Маълумки, организмдаги ёѓларнинг 90 фоизи мушакларда оксидланади. Ҳаракатланаётган мушакларда ёѓнинг оксидланishi кучайди. Кам ҳаракатланадиган мушакларда аксинча. Айни шу жарайён ортиқа вазни юзага келтиради. Аслини олганда, ҳар куни камидга 400 грамм мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш саломатлик учун фойдали. Ёғ, сарёғ ҳамда таркибида юқори даражада ёғ билан тўйининг маҳсулотлар истеъмолини камайтириш мақсадга мувофиқ. Бу каби лойиҳалар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятидир.

Ойлик доирасида ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ходимлари иштирокида Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Ёзёвон туманида жойлашган ёзги согломлаштириш оромгоҳларида болалар ва ўсмилар ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида "Саломатлик ўз кўлимида" тарғибот тадбирларини ўтказиш кўзда тутилган.

Шарифа МАДРАХИМОВА,  
«Ma'rifat» мухбари

## Волейболчи қизлар баҳси

**Ўзбекистон волейбол федерацияси томонидан 2001 иши туғилган ва ундан кичик ўшдаги қизлар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилди.**

Ёш авлодни ҳар томонида етук ва баркамол этиб вояга етказиши, айнича мактаб ўқувчиларини жисмонан чинчириши, уларнинг маҳоратини ошириш мақсади кўзланган ушбу мусобақа иккиси боисчада ўтказилиб, 1-тур ўйинлари Тошкент шахрида бўлиб ўтди. Иккinci тур мусобақалари шу йил 21–26 юиль кунлари Жиззах вилоятини Зомин туманидаги болалар ва ўсмилар спорт мактабида ташкил этилди. Унда Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шахри ва барча вилоятлардан волейболчи қизлар жамоаси иштирок этди.

Жамоалар ўртасида кечганин ва муросасиз баҳслар қизлар ўртасида волейбол тобора оммалашшиб бораётганини кўрсатди. Маҳорат бобида улар бир-бираидан қолишмади. Айнича, майдон 2-турда Коракалпогистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро вилоятлари вакилларидан устун келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Беллашувлар тажрибали муррабий ва ҳакамлар томонидан кутишиборилди.

Чемпионат баҳслари белгиланган низом асосида ўтказилди, — дейди мусобақа бош ҳаками Фарруҳ



Нарзуллаев. — Қизларнинг маҳорати йилдан-йилга ошиб бораётганига гувох бўлдик. Якунда ана шундай маҳоратли ва эпчил қизлар

ғолиблини кўлга киритди. Мусобақа иштирокчилари билан сұхбатлашиб, уларнинг таассуратлари билан ўртоқлашдик.

— Мусобақани ўтказишга тайёрларлик ишлари юқори савиядада ташкил этилгани бизни куонтириди, — дейди қоракалпогистонлик Фарангиз Муродбоеva. — Мусобақа давомида кўплаб дўстлар ортиридим. Зоминнинг бетакар библиотека танишиш имкониятига эга бўлдик. Келгуси мусобақаларда янада юқори поғоналарни эгаллашда бундай учрашувлар бизга катта тажриба мактаби бўлади.

Беллашув натижаларига кўра, 1-йурин Жиззах вилояти ёшларига наисбет этди. Бу-хоро ва Хоразм вилоятлари жамоалари 2- ва 3-йуринни эгаллади. Шунингдек, мусобақада турли номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Мамлакат чемпионати голибларига диплом, медаль ва фахрий ёрликлар топширилди.

Абдусаттор СОДИКОВ



**Эртак ва мультифильм қаҳрамонлари суратлари билан безатилган бежирип саҳна. Унда бирни кўён, бирни тулки, бошқаси бўри қиёфа-сигади болалар эртакдан парча намойиш этмоқда. Уларнинг ижросини берилиб томоша қилаётган тенгдошлиари эса олқишилашдан чарчамайди. Ахир, ёзги таътилини эртак қаҳрамонлари даврасида ўтказиш қайси болага хуш ёқмайди, дейсиз?**

### Yoz — o'tmoqda soz

Шайхонтохур туманидаги 324-мактаб кошида ташкил этилган "Ма'рифат гунчалари" номли кундузги оромгоҳда болалар 12 та тӯғракда қизикарли машгулоллар билан шуғулланмоқда. "Моҳир кўллар", "Ёш рассомлар", "Ораста қизлар", "Ёш қаламкашлар" хамда спорт ва тил ўрганиш тӯғраклари ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига хизмат киляпти.

— Тўрт мавсумда оромгоҳда

дам олган 400 дан ортиқ ўғил-қиз ўзи қизиқан тӯғракка қатнашиш имконига ҳам эга бўлди, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулчехра Усмонова. — Айниқса, кутубхона ходимлари томонидан ўтказилган қизиқарли кўрик-танловлар бесамар кетмади. Танловлар натижасида ҳар куни кутубхонага 70–80 нафар ўқувчи кириб, китоб мутолаа килишга одатланди.

Бурён РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.

Тошкент вилояти Қиброй туманидаги "Фунча" мактабгача таълим муассасасида 200 га яқин ўғил-қиз замонавий шароитларда таълим-тарбия олмоқда.

Машғулотлар илгор педагогик андозалар асосида йўлга қўйилган. Куриш-ясаш, теварак-атроф билан танишиши, нутқни ўстириш, саводга тайёрлаш сабоқлари болжонларни таълимнинг илк босқичига тўғри йўналтиришида мухим аҳамият касб этмоқда. Бадиий гимнастика, ракс, инглиз тили тӯғраклари ишлаб турибди.



## "Фунча" нинг Фунчалари



Айло АБДУЛЛАЕВ  
(ЎзА) олган суратлар.

